

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 10-sentabr, chorshanba № 72 (15814)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШХТ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2014 йил 11-12 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш истиқболларини, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва инвестиция-

вий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳамда ўзаро манфаатли бошқа масалаларни муҳокама қиладилар.

Biz tanlagan yo'l — eng to'g'ri yo'l

ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСЛАРИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиз миллий ҳаёт тарзимиз, руҳиятимиз, қадрият ва урф-одатларимиз эъзозланган, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик таъминланган ҳолда, иқтисодий-ижтимоий ларзаларсиз янги даврга қадам қўйди. Ва мустақил тараққиёт йўлидан изчил, оғишмай дадил одимламоқда.

Халқимиз барча жабҳаларда, жумладан, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий, иқтисодий, маънавият соҳаларида, турмуш тарзимиз мазмунида туб ўзгаришлар ясади.

Хўш, бу муваффақиятлар замирида нима ётибди? Президентимиз Ислон Каримов Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек, мамлакатимиз тараққиётида янги босқич ва уфқларни забт этишда барчамизни қувонтирадиган, энг катта мезон аввало юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити, ватандошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва фаоллигидир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди. Бу ҳақда сўз юритганда, давлатимиз раҳбарининг инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқи экани, давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қафолатлаб беришдан иборатлиги, бу ҳуқуқни амалга ошириш давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шарт экани, демократиянинг инсонпарварлиги ҳам шу билан белгиланиши ҳақидаги фикрларини яна бир бор эслаш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Мудофаа тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва бошқа

қатор қонунлар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллат ва элатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжихатликнинг ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислохотлар юксак самара бермоқда. Янгидан-янги йирик саноат корхоналари қурилмоқда, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда, таълим, тиббиёт, маданият, спорт объектлари барпо этилмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда.

БМТ маълумотларига қараганда, халқаро молиявий бўҳрон туфайли дунёнинг 54 мамлакатининг 1990 йилга нисбатан қашшоқлашган, йигирмадан ортиқ мамлакат аҳолисининг асосий қисми очликдан азият чеқмоқда. 34 мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси, 12 мамлакатда болаларнинг бошланғич мактабга қатнаш кўрсаткичи 1990 йилга қараганда анча пасайган. Айрим ривожланаётган давлатларда ҳам болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли мактабдан кетишга мажбур бўлаётгани қайд этилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида ҳали-ҳамон сақланиб қолаётган иқтисодий инқироз таъсирига қарамай, мамлакатимиз Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган жамият ҳаётини янгилаш ва эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини ўз ичига олган ҳаётбахш ислохотлар сабаб тез суръатларда ривожланиб бораётир. Жумладан, мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиётимиз қарийб 5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсиб, одамларимизнинг жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётганининг ёрқин далилидир.

(Давоми 3-саҳифада)

ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯ КОНГРЕССИ БЎЛИБ ЎТДИ

Пойтахтимизда Халқаро спорт курашлари ассоциациясининг ҳисобот-сайлов конгресси бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ мамлакат федерациялари раҳбарлари, спорт уюшмалари ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раиси Мирабор Усмонов, Халқаро спорт курашлари ассоциацияси президенти Ненад Лалович ва бошқалар Президент Ислон Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг самарасида Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги салоҳияти ва нуфузи тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида бунёд этилган спорт мажмуаларида болалар ва ёшлар спорт

билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Малакали устоз ва мураббийлар кўмагида катта спортга қадам қўймоқда. Профессional атлетларимиз замонавий ўқув-машғулот базаларида илғор услублар асосида маҳоратларини ошириб бормоқда.

Юртимизда Олимпия спорт турлари жадал ривожланиб, спортчиларимиз халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда. Бу борада эркин ва юнон-рум кураши бўйича терма жамоамиз етакчидир. Полвонла-

римиз Олимпия ўйинларида 4 олтин ва 3 кумуш медални қўлга киритган. Яқинда Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар Олимпиадасида юнон-рум кураши бўйича олтин медални қўлга киритган Илҳом Баҳромов юртимизда курашчиларнинг муносиб авлоди етишиб чиқаётганини исботлади.

Мамлакатимиз нафақат истеъдодли полвонларни тарбиялаш, балки кураш бўйича халқаро мусобақаларни юксак савияда ўтказиш борасида ҳам доврүк қозонган. Ўтган йилларда юртимизда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия саралаш турнирлари муваффақиятли ўтказилган.

(Давоми 7-саҳифада)

Ўзбекистонлик полвон жаҳон чемпионати совриндори



Тафсилотлар билан 7-саҳифада танишасиз.

Xabarlar

Ота меҳрининг бадиий тасвири

Кино — инсон онги ва тафаккурига, жамият ҳаётига беқиёс таъсир кучига эга санъат тури. Унда ҳаёт акс этади.


Бугун юртимизда миллий кино санъатини изчил ривожлантириш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари руҳлантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Экранныда бир-бирига гал бермай намоиш этилаётган қатор фильмларимиз орасида катта тарбиявий аҳамият касб этадиган, кучли актёрлик маҳоратини ўзида намоеён этаётган кинокартиналарнинг кўпайиб бораётгани қувонарли, албатта.

«Ўзбекфильм» киностудияси томонидан яратилган «Ота» бадиий фильми ана шундай санъат асарлари қаторидан жой олди. Фильмда отанинг ўз

фарзандига бера оладиган чексиз муҳаббати мадҳ этилган. Картинада барча оталар сиймосида меҳр сўзи билан биргаликда тилга олинадиган қаттиққўллик, талабчанлик каби тушунчалар акс этади.

Тажрибали кинорежиссёр ва сценарий муаллифи Абдухалил Мигнаров фильм Бухоро, Жиззах вилоятининг энг гўзал қишлоқлари ҳамда Китоб довоида ҳамда машаққат билан суратга олингани, бунда жамоавий аҳиллик муҳим ўрин тутганини, актёрлар қахрамонларга табиатан яқин инсонлар орасидан танлаб олинганини таъкидлаб ўтди.

Картина томошабинни чуқур ўйга солиб, мулоҳаза юритишга, воқеа-ҳодисаларни



тахлил этишга ундайди. Нафақат ёшларга, балки катталар учун ҳам ибратли бўлган ижод маҳсулини оила даврасида ҳам кўриш мумкин.

Ота меҳри тошни ҳам йиғлатувчи, қаҳри тоғларни жойидан қўзғатувчи куч. Ота қандай инсон бўлишидан қатъий назар, унга хурматда бўлиш, қадрлаш фарзандлик бурчи. Фильмда ана шу гоё устуворлик касб этган.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» муҳбири

Юрт жамоли — болалар нигоҳида

Пойтахтимиздаги «Болажон» истироҳат боғида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши расмлар танловини ташкиллаштирди.

Танловда Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг 8-, 9-синф ўқувчилари қатнашди. Улар икки соат ичида юртимиз жамоли акс этган бир-биридан ажойиб санъат асарларини яратди. Ҳакамлар ҳайъати учун 547та ижодий ишдан энг яхшиларини саралаш осон бўлмади.

— Она Ватанни ҳар қандай рас-

сом, хоҳ у профессионал, хоҳ ҳаваскор бўлсин, чиройли, кўркам қилиб тасвирлашга интилади, — дейди Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши мутахассиси Отабек Собитов. — Зеро, унинг кўрки ҳар қандай инсонга илҳом бахш этиши табиий.

Танловда «Ватаним менинг» номли картина муаллифи, Мирзо Улугбек туманидаги 50-мактаб ўқувчиси Саодат Рўзиева ғолиб бўлди. Ёш мусаввирларга диплом, совғалар топширилди. Сўнг улар Ўзбекистон давлат санъат музейига саёҳат қилди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» муҳбири

Фикрлар туррога, мақсад муштарак

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти кенгаши қошида ташкил этилган «Мунозара» клубида навбатдаги учрашув бўлиб ўтди.

Унда клуб аъзолари «Оммавий маданиятнинг ёшлар маънавиятига таъсири» мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Саксон нафардан ор-

тиқ талаба ва ўқувчилар «Фидойи ёшлар» ва «Истиқлол фарзандлари» гуруҳларига бўлинган ҳолда мавзунинг ижобий ва салбий томонларини икки босқичда очиб бердилар.

Мубоҳасага Наманган давлат университети ўқитувчиси Саодат Сулаймонова ва Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Муҳаммадали Убайдуллаев экспертлик қилди. Жамоаларнинг берилган жавоблари таҳлил этилди.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА



Замонавий уйлар ёш оилаларга

Юртимизда ёш оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш, хусусан, уларни барча шароитларга эга замонавий уй-жойлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада имтиёзли кредитлар бериш тизими йўлга қўйилган.

Кувасой тумани марказидаги «Камолот» шаҳарчасида жойлашган 48 хонадонга мўлжалланган дастлабки тураржой ҳам фойдаланишга топширилди. Ёш оилалар учун мазкур барча қулайликларга эга, замонавий уй-жойларни ўз эгаларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Фаргона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев иштирак этиб, янги уй-жой эгаларини самимий қутлади.

— Биз янги уйга эга бўлганимиздан, давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганидан мамнунмиз, — дейди ёш тадбиркор Ислонбек Умаралиев.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

Илҳомбахш муносабат

Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин! «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангор тумани кенгаши ўтказган «Сен билан бирга — камолот сари...» акциясининг асосий ғояси айнан шундай мазмун касб этди.

Ёшларнинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилган акцияда «Камолот» фаоллари тумандаги Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Зартепа» маҳалласида бўлдилар. «Камолот»чи-

лар ушбу маҳаллада яшовчи Зухра Ҳасанова ҳолидан хабар олиб, унинг ижодий фаолияти билан танишди.

Зухра Ҳасанова ўқувчилик йилларидаёқ барча фанлардан яхши ўқиб, кўплаб танловларда ғолиб бўлган. Жумладан, «Ўзбекистон тарихий саҳифалари, истиқлол сари машаққатли йўл» деб номланган иншоси билан Республика иншолар танловида биринчи ўринни эгаллаган. Унинг «Синфдош», «Онажоним», «Ватан» каби қатор шеърлари ва ҳикоялари туман газетасида чоп этилган. Тасвирий санъатнинг натюрморт, портрет жанрида ижод қилиб келаётган Зухра Ҳасанова яқинлари кўмагида ушбу соҳани турли адабиётлар-

дан ўқиб, ўрганиб келяпти.

— Уйимизга «Камолот»чилар тез-тез келиб туради, — дейди Зухра Ҳасанова. — Ёзган шеър ва ҳикояларимнинг матбуотда чиқишига кўмаклашади. Ёзганларининг кимдир ўқиса, унга муносабат билдирса, қандай яхши. Бундай муносабатлар менга илҳом бағишлайди. Шундай обод ва озод юртда яшаётганимдан бахтиёрман.

Тенгдошимиз имконияти чекланган бўлишига қарамасдан ўз атрофига маҳалладаги ёшларни бирлаштириб, улар билан шеърят кечаларини уюштириб туради.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» муҳбири

Учқудуқда «Ёшлар маркази»

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги иншоотлар, таълим муассасалари бунёд этилди, мавжудлари таъмирланиб, янги қиёфа касб этди.

Тинч, осуда ҳаётимизга янада мазмун бахш этувчи бу каби ишларга боқиб, беихтиёр, шундай қутлуг кунларга етказганига шукр, дейсан. Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида фойдаланишга топширилган «Ёшлар маркази» ҳам ёш авлодга истиқлолнинг бебаҳо тўғаларидандир.

Марказда ёшлар ўн учта тўғарак ҳамда «Ёш тадбиркорлар», «Бу-

нёдкор ёшлар», «Заковат» сингари клубларда ўз билим ва маҳоратини ошириш, истеъодларини намоеён этиш, қолаверса, танлаган мутахассисликлари бўйича энг сўнгги янгилардан хабардор бўлиб бориш имкониятига эга.

— Бу марказ турли миллат вакиллари билан иборат юртдошларимиз аҳил-иноқ яшаб келаётган Учқудуқ туманининг энг гавжум мас-

канларидан бирига айланишига ишонамиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши раиси Козим Тожиев. — Негаки, бу ёшларнинг бари иқтидорли. Уларни қўллаб-қувватлаб, истеъодларини юзга чиқаришда «Ёшлар маркази» муҳим ўрин тутди.

Марказда юрт тарихига оид кўргазмалар зали ташкил этилган, зарур жиҳозлар билан таъминланган спорт зали, интернет клуб ва электрон кутубхона ҳам ёшлар ихтиёрида.

Отабек АСЛОНОВ,
Навоий вилояти

ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСЛАРИ

**(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)**

Мамлакатимизда илм-фан, таълим ва маданиятни ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни инсон капиталига айлантириш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши таълим тарбия соҳасида чуқур ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур ҳужжатлар мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган яхлит ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси сифатида таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

2004-2009 йилларда амалга оширилган «Мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» умумий ўрта таълимни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Бир сўз билан айтганда, таълим соҳасидаги давлат дастурлари ушбу жабҳани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, халқаро меъёрларга мувофиқ билим бериш жараёнини такомиллаштириш имконини яратди.

Ўзбекистонда 12 йиллик барча учун мажбурий ва бепул таълим ёшларнинг умумтаълим фанларига оид билимини ошириш билан бирга, аниқ мутахассислик ва касбунарга эга бўлишини кафолатлаётди. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда-

ги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таълим сифати ва халқаро интеграциялашув жараёнини янада яхшилаш имконини яратмоқда. Жумладан, чет тилларини билишнинг умумевропа талабларига таянган ҳолда узлуксиз таълим тизими учун чет тиллардан янги давлат таълим стандартлари ва ўқув режа ишлаб чиқилиб, 2013-2014 ўқув йили учун 1-синфларга жами 537 минг нусхадан зиёд чет тили дарслиги, ўқитувчилар учун жами 20 минг нусха ўқув-методик қўлланма ва унга илова тарзда DVD дисклари тайёрланиб, таълим муассасаларига етказилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан ўтган йили ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида таълим тизимини ривожлантириш бўйича бешинчи ўринни эгаллагани соҳада амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг ҳаётини самаралари жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган, инсонни камолотга чорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвуз гоёлар ўртасидаги кураш кескинлашган бугунги замонда ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аждодлардан мерос умуминсоний гоёлар билан қондириш, уларни юксак тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан долзарб бўлиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирла-

рининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, унибўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашуви, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга мажбур.

Мамлакатимизда тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, меросини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга алоҳида аҳамият берилаётди. Юртимиздаги барча таълим муассасаларида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференциядаги маърузаси катта қизиқиш билан ўрганилаётгани ёшларни қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқур англашга, улар билан ғурурланишга, уларга муносиб бўлишга ундайди.

Мамлакатимизда инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезони ҳисобланган маънавиятни янада юксалтиришга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тан-

танали маросимдаги табрик сўзида халқимиз маънавияти тобора юксалиб бораётгани ҳақида сўз юритаркан, бу соҳада эришган марраларимиз билан биз ҳеч кимдан кам бўлмасдан, кўпгина манадан деган давлатлардан ўзиб кетганимизни энг муҳим ютуғимиз, деб ҳисоблайман, деб қайд этгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Айна пайтда олдимизга янги-янги вазибалар кўяди.

Маънавиятнинг энгилмас куч экани борасида билдирилган мазкур пурмаъно фикрлар негизида халқимизнинг истиқлол йилларидаги машаққатли меҳнати, мустаҳкам ишончи, қатъий иродаси, аждодлар меросига бўлган эҳтироми, келажакимиз таянчи бўлган ёшларга ишончи мужассамдир.

Мамлакатимизда ёшларнинг соғлом бўлиб улғайишига, уларни оммавий равишда спортга жалб этишга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида ҳам нафақат жисмонан, балки маънан баркамол шахсларни вояга етказиш мақсади мужассамдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларида ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003-2013 йилларда ишга туширилган ва зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланган 1816 спорт объекти болалар учун спорт билан мунтазам шуғулланиш имконини яратмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, саккиз юз қирқ икки минг қиз ўттиздан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 болалар спортини иншооти, жумладан, 252 янги спорт комплекси, 861 спорт зали барпо этилгани, буларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилгани ёшларимизни спортга кенг-

роқ жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2013 йилда 2003 йилга нисбатан спорт билан шуғулланувчи 10-14 ёшдаги ўғил болаларнинг бўйи ўртача 3,1 сантиметрга, вазни ўртача 4 килограммга, қиз болаларнинг бўйи ўртача 2,5 сантиметрга, вазни ўртача 4,5 килограммга ошган. Бу ўз-ўзидан содир бўладими? Йўқ, албатта! Бу одамларимиз ҳаётининг тўқ ва фаровонлиги натижасидир.

Яқинда Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида 28 нафар спортчимиз қатнашиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди. Жорий йилнинг июнь ойида Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Ислоҳбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшларининг ақл-заковати, истеъдод ва салоҳиятини бутун дунёга намён этди. Уларнинг бундай юксак муваффақияти мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун яратилаётган кенг имкониятлар туфайлидир.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимизни ўз олдига қўйган — дунёнинг энг ривожланган, демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин олишдек олий мақсади томон дадил одимлаётганининг яққол ифодасидир.

Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари доктори,
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
сиёсий фанлар доктори
(ЎЗА)

Фестиваль: сарҳисоб ва режалар

Ҳаракатнинг Самарқанд вилояти кенгаши вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Ягонасан, муқаддас Ватан, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ёшлар фестивалини ўтказди.

Лойиҳа доирасида «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчиларининг ўрни ва роли» мавзусидаги илмий-амалий конференция, бир қатор маънавий-маърифий тадбир-

лар, спорт мусобақалари ташкил этилди.

Айни вақтда Самарқандда Ҳаракатнинг 1,7 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти мавжуд. Илмий-амалий анжуманда ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш ва ижросини таъминлашда бошланғич ташкилотларнинг ўрни, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, келгусида олдига турган вазибалар хусусида сўз юритилди. Тадбирда қатнашган «Камолот» етакчилари ва фаоллари бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Фестиваль давомида Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари кўҳна кентдаги тарихий объектлар ва за-



ЎЗА фотохудожни Алишер ИСРОИЛОВ олган сурат

монавий иншоотлар, музей ва ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат қилдилар. Шунингдек, Ҳаракат ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ватанимга менинг тўхтам» акциясига яқун ясашиб, унда қатнашган ёш ҳунарманд, ихтирочи ва ижодкорлар асарларининг кўргазмаси ташкил қилинди. Спортчи ёшлар

ҳам турли кўргазмалар чиқишлар ва мусобақалар орқали ўз маҳоратини намойиш этдилар.

Ёшлар фестивали вилоят марказидаги «Сўғдиёна» истироҳат боғида янги барпо этилган амфитеатрдаги гала-концерт билан якунланди.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Маънавий меросдан баҳра олиб

Юртимиз қадимдан илму маърифат ўчоғи бўлганини, буюк аждодларимиз жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини бугун бутун дунё эътироф этади. Шу йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда жаҳон илмий жамоатчилиги ушбу ҳақиқатни яна бир бор намоён қилди.

Ўрта аср Шарқ илм-фани тараққиёти, Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий меросининг бугунги кундаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган мазкур нуфузли халқаро анжуманда Президентимиз сўзлаган нутқни дунёдаги кўзга кўринган олимлар катта қизиқиш билан эшитди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун, аввало, асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак».

Биобарин, бугун мамлакатимизда камол топаётган ёш авлод боболаримиз қолдирган улкан илмий ва маънавий мерос билан фахрланибгина қолмай, уни чуқур ўрганиши ва ривожлантириши долзарб вазифадир.

Буюк аждодларимизга муносиб авлодни тарбиялаш ва ёшлар онгу шуурида ватанпарварликни шакллантиришда

Президентимизнинг халқаро конференциядаги маърузаси муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу боис янги ўқув йилидан бошлаб у барча умумтаълим мактабларида ўрганилмоқда. Хусусан, 9-синфларда маъруза юзасидан олти соатлик факультатив дарс киритилган бўлса, қуйи синфларда одобнома, ўқиш, адабиёт, Ватан туйғуси, кимё, математика, иқтисодий билим асослари, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Ўзбекистон тарихи фанларининг мазмун-моҳиятига сингдирилган ҳолда ўқитилмоқда.

Бир қанча дарс соатларида ўзим ҳам бевосита иштирок этдим. Кузатувларим шуни кўрсатдики, ўқувчиларимиз «тарихий хотира» тушунчасини теран англаган. Улар «Ким эдигу, ким бўлди?» деган саволга ўтмиш ва бугунни муқояса қилган ҳолда жавоб топаётди. Дарслар мазмунига Ватанини, халқи, оиласини севган инсонгина буюк жасоратга қодир экани, аждодларимизнинг илм-фан равнақида қўшган улкан ҳиссаси ҳам Ватанига бўлган муҳаб-

батнинг маҳсули бўлганини қалбига сингдиришга ҳаракат қиляпмиз.

Шу билан бирга, бугунги авлод вакиллари сифатли таълим олиб, баркамол шахс бўлиб воёга етишлари, юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлишлари учун давлатимиз қалаётган савий-ҳаракатларни, таълим соҳасида қанчалик улкан ислохотлар амалга оширилаётгани ва бунга улкан сармоя киритилаётганини яхши билади.

Ўқувчилар таълим соҳасидаги ислохотлар қандай натижа бераётганини ўзларига аниқ тасаввур этишлари, яратилган шароитларнинг қадрига етишлари ҳам муҳим масаладир. Махсус дарсларда шунга алоҳида эътибор берилаяпти.

Президентимиз нутқи мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида Республика таълим маркази томонидан барча фан ўқитувчилари учун методик тавсиялар, юртимизда етишган алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти, жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссасини очиб берувчи видеофильм, слайд материаллари, электрон матнлар тайёрланиб, жойларга етказилди. Анъанавий август кенгашларида Юртбошимизнинг маърузасини факультатив дарсларда ҳамда бошқа фанларнинг дарс мавзуларига сингдирган ҳолда қандай ўтиш кераклиги тушунтирилди. Шунингдек, ҳар бир ҳудуддаги фаол ўқитувчилар

орасидан ўттиз нафардан тренер тайёрланди.

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни ёшларга чуқурроқ аниқлашда, аввало, иқтисодиётни ислоҳ этиш борасида қилинган ишларни муфассал тушунтириш талаб этилади. Шу мақсадда ўқув йилининг дастлабки ойи умумтаълим мактабларида «Иқтисодий билим асослари фани ойлиги» деб эълон қилинди. Ойлик давомида ўқувчилар мамлакатимиз иқтисодиётининг турли йўналишларида эришилган ютуқларни ўрганиб, мустақил ишларини бажарган ҳолда иқтисодий мустақиллик, бу соҳада олиб борилган оқилонга сиёсат ҳаётимизни тубдан ўзгартириш, халқ фаровонлиги ва турмуши сифатини оширишда муҳим омил бўлганини англамоқда.

Глобаллашув жараёнида инсон онгини захарлашга қаратилган турли мафкуравий таҳдидлар, ахборот хуружлари маънавийтимизга тобора хавф солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Дунёни эгаллашга интилаётган айрим зўравон ва тажовузкор кучлар асосий маънавий бойлик бўлмиш миллий қадриятлар, халқларнинг тарихий илдизини йўқ қилишга уринаяпти. Бу эса бора-бора жамиятни маънавий инқирозга олиб бориши ҳеч гап эмас. Илмий ва маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ёдгорликлар инсон маъна-

виятини шакллантирадиган ва мустаҳкамлайдиган муҳим омиллар эканини Президентимиз ўз нутқларида кўп бора таъкидлаган. Ўқувчилар билан мулоқот жараёнида шу фикрнинг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилмоқда.

Ёшларнинг маънавий қадриятларимиз, маданиятимизга бўлган ҳурмат ва қизиқишини оширишда айрим дарсларни музейлар, тарихий обидаларда ўтиш ҳам ижобий натижа берапти. Мазкур тажриба халқ таълими тизимида бир неча йилдан буён қўлланилаётганини таъкидлаш лозим. Ўз навбатида, ўқувчи аждодларимизнинг илмий ва маънавий мероси нақадар буюк ва бебаҳо эканини музей муҳитида, унда тақдим этилган экспонатлар орқали янаям теран тасаввур этади.

Давлатимиз раҳбарининг «Аждодларимизнинг тарихий мероси — абадиятга дахлдор маънавий хазинадир» маърузасини ўрганиш ўқувчиларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, турли ёт ғояларга қарши туриб, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга шахсларни тарбиялашга хизмат қилади.

Наргиза ИСМАТОВА,
Республика таълим
маркази бўлим бошлиғи

«Kamolot» loyihalari

Ёшлар Веломарафони — дўстлик майдони

Маълумотларга қараганда, шаҳар атмосфераси ифлосланишининг қирқ фоиздан ортиғи автотранспортлар «ҳисса»сига тўғри келади. Шу боис дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида экологик тоза энергия манбаларини яратиш ва атроф-муҳит софлигига зарар етказмайдиган транспорт турларига эътибор кучаймоқда.

2008 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Kamolot»-tur ёшлар веломарафони унда иштирок этадиган тенгдошларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда ғолиблик руҳи, бирдамлик туйғусини шакллантириш, шу билан бирга, экологик тоза транспорт турларини тарғиб қилишда ҳам беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги веломарафоннинг худудий босқичларида юз минглаб ҳаваскор ёшлар қатнашди. Уларнинг ўн фоиздан ортиғи қизлар экани ҳам эътиборлидир.

Ҳар йили «Kamolot»-tur ёшлар веломарафонини минглаб қорақалпоғистонлик ҳаваскор велоспортчилар иштирок

этноқда. Бу йилги мусобақанинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида тўққиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган бир юз саксон нафар ёш қатнашди.

Нукус шаҳридаги 2-тиббиёт коллежидан старт олган мусобақада велоспортчилар ўн саккиз километр масофани босиб ўтди. Сафдошларидан илдамроқ ҳаракат қилган Илҳом Эсаев ва Азизбек Жалғасбоев маррага ҳаммадан олдин етиб келди.

— Веломарафонда уч йилдан бери қатнашман, ҳар йили байрамдек ўтади, — дейди мусобақанинг республика босқичига йўлланма олган Азизбек Жалғасбоев. — Эътибор берсангиз, маррага энг охирида етиб борганларнинг ҳам кайфи-

яти зўр, негаки, бу ашаддий рақибларнинг кимўзар беллашуви эмас, ажойиб муҳит ҳукм сурадиган тенгдош-дўстлар мусобақасидир.

Ҳа, Азизбекнинг айтганича бор. Веломарафоннинг якуни тантанали тус олди. Ғолибликка астойдил интилган ҳаваскорлар ҳам ташкилотчилар эътиборидан четда қолмади. Уларга «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Наманган вилоятида ўтказилган веломарафоннинг вилоят босқичида 594 нафар велоспортчи ғолиблик учун курашди.

Наманган шаҳридаги «Софсавдо» мажмуасидан старт олган иштирокчилар 9-14, 15-17, 18-30 ёш тоифаси бўйича 15 километр йўл босиб, «Тинчлик майдони» олдидидаги финишга етиб келдилар. Уларни мазкур йўналиш бўйлаб тўрт минг нафардан ортиқ ўғил-қиз тантанали равишда қўллаб-қувватлаб турди.



Пойгачилар орасида ўз шижоатини кўрсатган Равшан Забиров, Шухрат Ҳожиев, Дониёр Абдуллаев ўз ёш тоифалари бўйича ғолиб бўлди. Шунингдек, «Фахрий пойгачи», «Энг маҳоратли техник пойгачи», «Энг ёш пойгачи» номинациялари бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

— Велоспорт кишини чиниқтиради, — дейди Равшан Забиров. — Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ушбу веломарафоннинг ўрни катта. Бундай мусобақалар маҳаллаларда ҳам мунтазам ташкил этилса, яна ҳам яхши бўларди.

«Kamolot»-tur ёшлар веломарафонининг Навоий вилояти босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

«Kamolot» ЁИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақа Навоий шаҳридаги «Ёшлик» спорт мажмуаси ёнидан старт олиб, шаҳарнинг Форобий кўчаси бўйлаб давом этди. Велопойгачилар 15 километр масофада ўз маҳорат

ва эпчилликларини намоиш этди. Мусобақада уч юздан ортиқ ҳаваскор велоспортчи беллашди.

Томошабинлар олқиши остида маррага биринчи бўлиб ўз ёш тоифалари бўйича Навоий шаҳридаги 16-мактаб ўқувчиси Шохжаҳон Тилавов, Қизилтепа туманидан келган Бунёд Нарзуллаев, Навоий олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Еркин Қурбонов етиб келди ва мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

— Бу ёшлар веломарафонинида ўтган йили ҳам иштирок этиб, фахрли ўринни олган эдим, — дейди марафон ғолиби Еркин Қурбонов. — Бу йил эса кўплаб тайёргарликдан сўнг биринчи ўрин соҳибига айландим. Ўз мақсадлари сари курашган инсон, албатта, улкан натижаларга эришади.

Веломарафоннинг якуний босқичи тафсилотлари билан газетанинг навбатдаги сонларида батафсил ҳикоя қиламиз.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири



2014 йил 13 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги «Kamolot» ёшлик ўйинида «Kamolot»-tur VII ёшлар веломарафонининг республика финали босқичи бўлиб ўтади. Экологик тоза транспорт — велосипед ишқибозларини катта веломарафонга таклиф этамиз!

Ona yurt bo'ylab «sayohat»

Озоғ Ва обог Ўзбекистоним!

Наманган кенг ва обод кўчалари, шинам истироҳат боғлари, гавжум хиёбонлари, ноёб дизайн ва замонавий услубда қад ростлаган бино ва иншоотлари, савдо ва маиший хизмат объектлари, маданият ва спорт масканлари билан кўркам вилоятга айланиб бормоқда. Истиқлол бу юрт ва унинг меҳнаткаш одамлари тақдирида ўзгача акс этди: янгиланишлар, ўзгаришлар наманганликлар кайфиятига ҳам кўтаринкилик бахш этди. Инсон қачон ҳаётдан мамнун бўлса, бу унинг қилаётган ишларида ҳам яққол кўринади. Навбатдаги «саёҳат»имиз давомида, мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Наманганда ҳам кўзни қувонтирадиган эзгу ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдик.



Бугун мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилиб, ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш, корхоналарни замонавий, илғор техник жиҳозлар билан таъминлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга катта эътибор қартилмоқда.

Бу борада Наманган вилоятида ҳам эътиборга молик ишлар қилинди. Бундан атиги йигирма йилларча аввал вилоятда 110та корхона фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, улар сони 3000тага етди.

Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида фаолият юритаётган «Истиқлол» мода ва дизайн марказининг биринчи қаватида кўргазмалар зали, дизайн-лаборатория, намуналар цехи, фирма дўконлари, иккинчи қаватида замонавий ишлаб чиқариш цехлари жойлашган. Учинчи қаватдан эса ошхона, маданий-маиший мажмуа ўрин олган.



«Баркамол авлод» спорт мажмуаси вилоятдаги энг замонавий иншоотлардан бири. Бу ерда футбол, кўл тўпи, энгил атлетика, оғир атлетика, сузиш, шахмат, бадий гимнастика бўйича мусобақалар ўтказилади. «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари муносабати билан бу маскан янги қиёфа касб этди.



«Театр — ибратхонадир», деган эди маърифатпарвар алломалардан бири. Техника ва технологиялар даври деб қаралаётган XXI асрда гўё ҳаммаси бошқача бўладигандек: китоб, санъат, хусусан, театр ўрнини интернет, телевидение каби замонавий воситалар тўлиқ эгаллайдигандек эди. Бироқ инсоният ҳаётида ҳақиқий санъатнинг ўрни барибир бошқача бўлиб чиқди, ўзини англаган, келажагини ўйлаган ҳеч бир миллат ундан воз кечгани йўқ.

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма ва комедия театри ана шундай масканлардан бири. Ушбу санъат даргоҳи истиқлол йилларида янада янги мазмун ва қиёфа касб этиб, мухлисларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланди.



Наманган шаҳридаги «Кичкинтой» болалар боғи Президентимиз Ислам Каримовнинг қарори асосида 2010 йилда ташкил этилган.

Боғда болалар маза қилиб дам олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Боғ ҳудудида тўртта музқаймоқ шохобчаси, ресторан, боулинг клуби, спортзал ва амфитеатр мавжуд. Ўн беш турдаги қарийб 1000 туп манзарали дарахт боғ хуснига хусн кўшиб турибди.

Шаҳарлар нафақат бинолар, боғу гулзорлар, шу билан бирга кенг ва раvon кўчалари билан ҳам гўзал кўринади. Дўстлик шоҳ кўчаси гуллар шаҳри Наманган кўркига кўрж кўшиб турибди.



Бугунги талабалар нафақат замонавий аудиторияларда билим олиш, отеллардан кам шароитга эга бўлмаган тураржойларда яшаш имконига ҳам эга. Наманган давлат университетининг замонавий талабалар тураржойи мисолида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Саҳифа материалларини
Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА ва
Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ тайёрлади.

Imkoniyat

Интилган муродга етади

Бўш вақтни мазмунли ўтказиш — ўзни етуклик сари чоғлашнинг энг самарали усуллари. Негаки, унда киши эътибори бир мақсадга қаратилган бўлади. «Эл-юрт ҳурмати» ордени, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Равшан Эрматовни бу борада ёшларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

— Мен олдимга жаҳон даражасидаги футбол ҳаками бўлиш мақсадини қўйиб, шу йўлда изландим, — деган эди таниқли футбол ҳаками. — Ҳар кунни машғулотдан: жисмоний формамни сақлаб туриш учун югураман, керакли машқларни бажараман. Инглиз тилидаги адабиётларни мунтазам ўқиб бораман. Футболга оид янгиликлардан бохабар бўлиш, ФИФА белгилаб берган режа асосида билимимни мустаҳкамлаш — буларнинг бари кундалик турмуш тарзимнинг бир қисмига айланган...

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати худудий кенгашлари қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»дан қутилган натижа ҳам айнан шундай эди: ёш авлоднинг турли ҳунар эгалари бўлишларини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига шароит яратиш... Бу мақсад

йўлида ўзининг бор имкониятини ишга солаётган худудий кенгашлар кўп. Бироқ ҳеч қачон бир тарафнинг саъй-ҳаракати билан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» уни ташкил этган мутасаддиларнинггина эмас, фарзандининг келажagini ўйлаган ота-оналарнинг ҳам фаоллиги эвазига кўнгилдагидек иш олиб боради. Ахир, ўғил ёки қизини вояга етгунга қадар ҳеч қандай ҳунарга ўргатмайдиган, аниқроғи, бунга рағбатлантirmайдиган ота-оналар ҳам йўқ эмас-да!

Бугун юртимизда ёшларга яратилган имкониятлардан яхши хабардор ота-оналар кўп. Улар ўз фарзандларининг билимдон ва комил инсонлар бўлиб етишишини истади, шу боис турли тўғарақларга қатнаб туришга ундайди. Жойлардаги ёшлар ижтимоий хизматлари марказларидаги бепул тўғарақлар бу борада яхши имкониятдир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах шаҳар кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»га борганимизда, эшик олдида бизга биринчи рўпара келган ёшгина қиз ўзини Моҳинур Ўрозалиева деб таништирди.

— Жиззах шаҳридаги биринчи мактабнинг еттинчи синфида ўқийман, — дейди Моҳинур. — Шундай марказ борлигини эшитиб, «Камолот»чиларга мурожаат қилдим. Мана, ҳозир бир йўла икки тўғарақка — компьютер саводхонлиги ҳамда инглиз тили тўғарақларига қатнаяман. Инглиз тилини тўғарақ раҳбари Дилфуза Олимова, компью-



терни Жаҳонгир Намозов ёрдамида пухта ўрганаеман. Бу ерда олган билимларимизни кунда-кунора ота-онам назорат қилиб туради. Отам ҳар ҳафтада бизга ўзбек ва инглиз тилларида ўнтадан шеър ёдлашни тавсия этади.

Моҳинурнинг 5-синфда ўқийдиган укаси Руслан, 3-синфда ўқийдиган укаси Элдор ҳам у билан бирга тўғарақларга қатнар экан. Буни эшитиб хаёлга келгани шу бўлди: қанийди, ҳамма оилада ҳам шундай ажойиб муҳит ҳукмрон бўлса...

Ушбу марказда жами тўртта тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Бу тўғарақлар ҳар доим ўқувчилар билан гавжум. Нафақат шаҳар мактабларидан, балки Жиззах тумани ёшлари ҳам бу ерга келиб тил, ҳунар ўрганмоқда.

— Бу ерда мен тикувчилик ва қандо-

латчилик тўғарақларига қатнаяман, — дейди Жиззах иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Шарофат Мардонова. — Турли кийимларни тикишни ўргандим. Айниқса, отам билан онамнинг туғилган кунларида торт ва турли пишириқлар тайёрлаб берганимда улар жуда хурсанд бўлди.

Ушбу марказ координатори Умида Қодированинг айтишича, ўтган чоракда жами 603 нафар йигит-қиз тўғарақларга қатнаган. Айни пайтда тўртта тўғарақка жами 177 нафар ўқувчи қатнамоқда. Бундан ташқари, давлат муассасаларида ишлайдиган ёш ходимлар ҳам келиб компьютер бўйича билимларини оширапти.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Daxldorlik

Бир мақсад йўлида

Қаерда фуқароларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи тўла қафолатланган бўлса, у ерда фаровонлик бўлади. Мустақиллик туфайли қўлга киритган энг катта ютуқларимиздан бири ҳам ана шу ҳуқуққа эга бўлганимиздир.

Истиклолнинг дастлабки йилларидан бошланган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар бошқарувнинг янги шаклини вужудга келтирди. Собиқ Иттифоқ даврида давлат мулк ҳисобланган, аслида ўзибўларчилик ва боқимандалик кайфиятида бошқарилган, фойдаланиб келинган ёки тасарруф этилган мулк хусусий шаклга кўчди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилиши ривожлана бошлаган республика иқтисодиёти, янги ишлар чиқариш тармоқлари, масалан, газ ва нефть sanoati, автомобилсозликнинг вужудга келиши, бунинг натижасида аҳолининг барча қатламлари яшаётган турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг янги техника ва технологиялар асосида амалга ошириш тизимини марказлашган ҳолда бошқариш лозимлигини кўрсатди. Шунга кўра, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматида улкан ваколатлар берилди. Айни пайтда қонун унга амал қилиб келинган ва

эндиликда ўз аҳамиятини йўқотган, собиқ Иттифоқ давридан қолган ва бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига жавоб бермайдиган бир қанча идоравий буйруқлар, кўрсатмаларнинг бекор қилинишига олиб келди. Бошқача айтганда, мустақиллик шарофати билан ўз худудларида ўнлаб ривожланган хорижий сармоядорлар ҳамкорлигида бир қанча йирик sanoat корхоналарини ташкил этган ҳамда жаҳон бозорига маҳсулот экспорт қилиш салоҳиятига эришган мамлакатимиз учун эскирган буйруқлар ва кўрсатмалар ўрнига қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосида жаҳон андозаларига мос ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Улар айнан халқ хўжалиги ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаб берувчи, қонун амалиётини таъминловчи ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни ҳам ана шу ҳаётий зарурат туфайли ишлаб чиқилиб қабул қилинган.

Мазкур қонун 2009 йилнинг 24 июнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан ўша йилнинг 28 августида маъқулланган. 30 сентябрда давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланиб, 1 октябрдан кучга кирган.

Олти боб, қирқ моддадан иборат бу қонуннинг қабул қилинишидан асосий мақсад ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Яъни Республика халқ хўжалигининг барча масканлари (йўналиши ва ҳажми, кўлами, вазифасидан қатъий назар) ва аҳоли турар жойларида ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини, вазифаларини аниқ белгилаб бериш, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг юқори ва куйи идоралари ваколатларини белгилаш, ёнғинларга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этишда идора ва ташкилотлар, хўжалик ва муассасалар раҳбарлари, ишчи-хизматчиларнинг бурч-вазифаларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Ушбу қонунга кўра эндиликда ҳар бир ходим ўз иш жойида, ҳар бир фуқаро яшаш жойида ёнғинлар олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг

бартараф этилишида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига ёрдам беришга мажбурдирлар. Қонуннинг 10-моддасида «Ташкилотлар: ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши; ёнғиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши; ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек, уларнинг бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаши; ёнғинга қарши тарғибот ўтказиши ва ўз ходимларига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиши...» шартлиги каби қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаб берилган. 11-моддада эса худди шу тартиб ва мазмунда фуқароларнинг ёнғинлар олдини олиш, ёнғин содир бўлиб қолганда уни тезда бартараф этиш чораларини кўриши, ёнғин хавфсизлигини таъминлаши шартлиги баён этилган.

Эндиликда қонунда белгилаб берилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлашда бевосита иштирок этади. 4-моддада «Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимо-

ий ва илмий-техник чора-тадбирлар, шунингдек кучлар ва воситалар мажмуидан иборат» эканлиги белгиланган.

6-моддага мувофиқ ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳисобланади. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади.

«Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан бир қанча буйруқ ва кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги, жумладан, қишлоқ хўжалиги, sanoat соҳаларининг юксалишида Республика ёнғин хавфсизлиги хизмати билан ҳам хиссаси бор. Ушбу хизмат ходимлари жойларда, хусусан, ишлаб чиқариш ва савдо объектларида, экин майдонларида, аҳоли тураржойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда муҳим вазифани ўтаб келмоқда.

Собир МАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХОТМ кафедра мудири, подполковник,
Рашид АБСАЛАМОВ,
кафедра катта ўқитувчиси, майор.

ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯ КОНГРЕССИ БЎЛИБ ЎТДИ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

2011 йили Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати доирасида 2014 йилги жаҳон чемпионатини қайси мамлакатда ташкил этиш масаласи муҳокама этилган эди. Эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасида ташкил этиладиган ушбу нуфузли мусобақани ўтказишга Ўзбекистон, Швеция, Финляндия, Венгрия, Хорватия, Польша, Эрон, Озарбайжон сингари ўндан ортиқ давлатлар даъвогарлик қилган эди. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, ривожланган спорт инфратузилмаси, мусобақаларни юқори савияда ўтказиш тажрибаси эътиборга олиниб, мезбонлик ҳуқуқи бир овоздан мамлакатимизга берилди.

Халқаро спорт курашлари ассоциацияси аъзолари бу танлов тўғри бўлганини, Тошкентда жаҳон чемпионатини ўтказишга юксак савияда тайёргарлик кўрилганини таъкидлади.

Конгрессда Халқаро спорт курашлари ассоциацияси томонидан амалга оширилган ташкилий ишларга оид ахборотлар тингланди.

Йиғилишда ташкилотнинг номини ўзгартириш масаласи муҳокама этилди. Ташкилот бундан буён Бутунжаҳон кураш иттифоқи (United World Wrestling) дея юритилиши эълон қилинди. Махлисада UWWнинг янги Конституцияси, Низоми, Допингга қарши регламенти каби бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Ташкилотнинг 2014-2016 йиллардаги бюджети, истиқболли режалари тасдиқланди.

Конгресс аъзолари Бутунжаҳон кураш иттифоқи раҳбарлигига Ненад Лаловични сайладилар. Ушбу нуфузли ташкилотнинг Бюро аъзолигига ҳамюртимиз Аҳрол Рўзиев қайта сайланди.

— Ташкилотимиз тарихида янги даврни бошлаб берган ушбу конгресснинг Ўзбекистонда ўтказилгани чуқур маъно-мазмун касб этди, — деди Бутунжаҳон кураш иттифоқи президенти Ненад Лалович. — Бугун Ўзбекистон барча жабҳаларда, жумладан, спорт соҳасида ҳам дунёда ўз ўрнига эга. Президент Ислам Каримов томонидан болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, барча ёшдаги ўғил-қизларни қамраб олган уч босқичли спорт ўйинлари ўтказилаётгани натижасида Ўзбекистон спортчилари халқаро майдонда улкан ютуқларга эришмоқда. Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида юртингиз ёшлари 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритгани ҳам ана шу юксак эътибор самарасидир. Тошкентда эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг юқори савияда ўтишига ишонаман. Чунки бунинг учун мамлакатингизда барча зарур шароит мавжуд.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири



Maydonda sinalganlar

Мазкур жаҳон чемпионатида мамлакатимиз ша- рафини Ҳаёт Сайфуллаев (57 килограммгача), Жамшид Кенжаев (61 килограммгача), Ихтиёр Наврўзов (65 килограммгача), Бекзод Абдурахмонов (70 килограммгача), Рашид Қурбонов (74 килограммгача), Умиджон Исманов (86 килограммгача), Омар Омаров (97 килограммгача), Қурбон Қурбонов (125 килограммгача) каби полвонлар ҳимоя қилапти.

Жаҳон чемпионатининг илк кундаёқ ўзбекистонлик спортчи совриндор бўлди. 70 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги беллашувда иштирок этган эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмонов бронза медални қўлга киритди.

Бекзод чорак финалда туркиялик Якуп Горга қарши гиламга тушди. Жаҳон чемпионатида илк бор қатнашаётган полвонимиз тажрибали рақибига жиддий қаршилиқ кўрсатди. Бронза медал учун тожикистонлик Залимхон Юсупов билан курашди. Ушбу беллашувда ўзбек спортчисининг

Ўзбекистонлик полвон жаҳон чемпионати совриндори

Тошкент шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтаяпти. 14 сентябрга қадар давом этадиган мазкур йирик мусобақада тўқсондан ортиқ давлатдан мингдан зиёд спортчи жами 24 вазн тоифасида голиблик учун кураш олиб бормоқда.

яққол устунлиги намоён бўлди — 7:2.

— Кўплаб спортчилар учун жаҳон чемпионати-дек нуфузли мусобақада иштирок этишнинг ўзи катта ютуқ, лекин мен шунчаки қатнашчи бўлишни истамайман, — дейди Бекзод Абдурахмонов. — Албатта, бу гал ҳам мен фақат чемпионликни кўзлаган эдим, совриндор бўлдим. Бу мени яна ҳам кучли қилади, чунки олдимида Олимпиада ўйинлари ва кейинги жаҳон чемпионатлари бор. Уларда албатта голиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, бугун Бекзод Абдурахмонов каби юрагида ўти бор тенгдошларимиз кўп. Улар қайси соҳада бўлмасин, энг юксак марраларни забт этишни мақсад қилганлар. Пойтахтимизда ўтказилаётган ушбу нуфузли мусобақа эса ўзбек ёшларининг салоҳияти юқори эканини яна бир қарра тасдиқламоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ

Спортчиларимиз Жанубий Кореяда ҳам Голиб

Жорий йилнинг 28 август — 1 сентябрь кунлари Жанубий Кореянинг Чинжу шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон жанг санъатлари фестивалида ўттиз икки давлатдан келган элликка яқин жамоа ўртасида ўзбек жанг санъати усталари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон шарқ яққакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани терма жамоамиз вакиллари эришган мазкур ғалабага бағишланди. Унда ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пўлат Усмонов ва бошқалар Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ўзбек спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самараси ўларок, юқори натижа ва муваффақиятларга эришилаётгани, бу халқаро миқёсда ҳам тан олинаётганини таъкидлади. Бугунги кунда республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида ёш авлод-

нинг ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун барча замонавий шароит ва қулайликлар яратилган. Ўзбек жанг санъати федерацияси Халқаро жанг санъатлари ассоциацияси, Жаҳон яққакураш спорт турлари ташкилоти, Жаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси сингари ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Бутунжаҳон жанг санъатлари фестивалида 28 нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Ушбу нуфузли фестивалда корейлик, ҳиндистонлик рақибларимизни тўрт турда мағлубиятга учратиб, яқунда олтин медални қўлга киритдим, — дейди терма

жамоамиз аъзоси, Ангрен автоматика ва сервис касб-хунар коллежининг биринчи курс ўқувчиси Ноилахон Аҳмедова. — Шунингдек, «Амир Темури», «Мустақил Ўзбекистон», «Ватан», «Истиқлол» деб номланган бир қатор жамоавий машқларни намойиш этдик. Халқаро майдонда ана шундай кўргазмали чиқишларимиз орқали миллий кадрларимизни намоён этдик. Ҳакамлар ҳайъати маҳоратимизни муносиб баҳолади, терма жамоамиз билан фестивалда иккинчи ўринни эгалладик.

Матбуот анжуманида Ўзбек жанг санъати федерацияси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Қахрамон Сатторовнинг фестивалда ҳакам сифатидаги намунали иштироки эътироф этилди. Самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умминсоний кадрларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун «Шухрат» медали билан тақдирланган Қ.Сатторов Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, ушбу нуфузли мукофот спорт соҳасида янада улкан марраларга эришишда қанот бўлишини таъкидлади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

ЮЛДУЗЛАРНИ КАШФ ЭТГАН МУСОБАҚА

Жаҳон спорт жамоатчилиги бугун нафақат спортчиларимизнинг халқаро майдондаги зафарларига, балки мамлакатимизнинг энг нуфузли мусобақаларга мезбонлик қила олишига ҳам гувоҳ бўлмоқда. Шу кунларда пойтахтимизда ўтказилаётган WTA туркумига кирувчи соврин жамғармаси 250 минг АҚШ доллари бўлган «Tashkent open» аёллар турнири бунга мисол.

Ўн олтинчи мартаба ўтказилаётган мазкур халқаро мусобақа кўплаб истеъдодли спортчиларни кашф этгани билан бошқа турнирлардан ажралиб туради. Теннис оламида ўз ўрнига эга бўлган Елена Дементьева, Урсула Радванска, Динара

Сафина, Франческа Скьявоне, На Ли каби ракетка усталари Тошкентдаги мусобақалардан сўнг тилга тушган, кейинчалик «Улкан тож» туркумидаги мусобақаларда ўзларини кўрсатган.

Республика олимпия захиралари теннис мактабида ўткази-

лаётган турнирда йигирмага яқин мамлакатдан келган теннисчилар бош соврин учун кураш олиб борапти. Унда Ўзбекистон шарафини бир йўла уч спортчи ҳимоя қилмоқда. Улар орасида Президентимиз томонидан мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида «Шухрат» медали билан тақдирланган Нигина Абдураимова, жароҳатидан эндигина фориғ бўлган Оқғул Омонмуродова ҳам бор. Яна бир вакилимиз Сабина Шарипова эса саралаш босқичида мусобақани тарк этди.

Йирик мусобақаларга мезбонлик қилишнинг фойдали жиҳатларидан бири — уларда ўз ишининг устаси бўлган машҳур спортчилар иштирок этади.



ЎЗА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган сурат

Бу эса, соҳага илк қадамларини кўяётган ёшлар учун тайёр «мастер-класс» деганидир. Дарвоқе, «Tashkent open» турнири аъналарига мувофиқ, бу гал ҳам машҳур ракетка усталари ижросида болалар учун маҳорат сабоқлари ўтказили-

ши режалаштирилган. Ушбу ўқув машқлари 11-12 сентябрь кунлари ўтказилади. 13 сентябрда эса мусобақанинг яққалик ва жуфтлик беллашувлари голиблари аниқланади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

Mujdalar

Сардорлардан 23 совға

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Камолот» сардорларининг 23 тухфаси» лойиҳаси ташкил этилган эди. Лойиҳа доирасида «Камолот кунлари», «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Ўзбек миллий кино санъати кунлари», «Мустақилликнинг 23 иншооти» тadbирлари бўлиб ўтди. Уларда 24 минг нафар ёш қатнашди.

Ушбу тadbирларнинг якуни сифатида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда «Ватан тараққиёти — биз, ёшлар қўлида» номли ёшлар фестивали ўтказилди. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтган фестивалда беш мингга яқин тенгдошимиз иштирок этди. Улар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, халқаро олимпиада, спорт мусобақалари ғолиблари,

ёшлар ташкилоти фаоллари бор.

Тadbирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқиб, ҳаммани тантана билан қутлади. «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати» мавзuida видеоролик намойиш этилди.

Ҳаракат тизимида фаол меҳнат қилаётган ёшларга дипломлар топширилди. Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, «Камолот» фаоллари иштирокидаги бадиий чиқишлар фестивалга янада кўтаринкилик бағишлади.

Қ.БЕГНИЯЗОВА



Мана бу тенгдошларимиз китобга дўст тутинган. Уларга ҳавас қилса арзийди. Бугун юртимизда ёшларнинг истакларига мос янги адабиётлар, бадиий асарлар турфа тилларда чоп этилмоқда. Бундай бебахо бойликка эга авлод келажакда, албатта, қудратли бўлади.

Рустам Назарматов олган сурат



Istiqlol tuhfası

Рустамбек АРАББОВ олган сурат

Шаҳрихонда янги мусиқа Ва санъат мактаби бунёд этилди

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз Мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёналари барча юртдошларимиз қатори шаҳрихонлик санъатсевар ёшлар учун ҳам унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Кувончли кунларда туман марказида бунёд этилган 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими О.Солиев сўз олиб, йиғилганларни байрам билан

қутлади ҳамда бугунги кунда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёшлар учун яратиб берилётган имкониятлар хусусида гапирди.

— Мактабимиз 150 ўринга мўлжалланган, унда ўқувчиларга ўнга яқин санъат йўналиши бўйича сабоқ берилди, — дейди Шаҳрихон туманидаги 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Асхобиддин Мирза-

олимов. — Муассасамизга замон талабига жавоб берадиган мусиқа асбоблари ҳам келтирилган ва ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлажак санъаткорлар қирқта шинам ва ёруғ хоналарда сабоқ оладилар. Замонавий концерт зали ҳам уларнинг ихтиёрида.

Миролим ИСАЖОНОВ,
Анджон вилояти

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Ҳисор давлат кўриқхонаси Ўзбекистоннинг қайси вилоятида жойлашган?

Жавобингизни 12 сентябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Анджон, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида.

Қўшработ туманидан Мухлис Абдувалиев тўғри жавоб йўллади.

Jurnalning yangi soni

«XXI аср технологиялари» билан танишинг

Болалар ва ўсмирларнинг илмий-техникавий, маънавий-маърифий, оммабоп наشري — «XXI аср технологиялари» журналининг 3-soni қўлимизда.



Фан ва технология соҳасида дунёда ҳамда юртимизда содир бўлаётган энг сўнгги янгилıklar, ўзбекистонлик ёшларнинг ихтиролари, янги илмий ғоялари, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари, турли танловлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб бораётган журналнинг ижодий ходимлари унинг янада ўқишли бўлиши учун изланишда.

Ушбу сонда мамлакатимиз автосаноати, илмий тadbиротлар, инновация, илм-фан, техника янгилıkları, тарих ва бугунги қадриятлар, санъатга оид мақолалар, жаҳон адабиёти дурдоналаридан намуналар ўрин олган.

«Ҳозир Асакадаги заводдан чиққан автомобиллар кириб бормаган маҳалла, овул, қишлоқ ёки кўча йўқ. Илгари бир қишлоқда бор-йўғи 2-3та автоулов «ғимирлаб турган» бўлса, ҳозир деярли ҳар бир оилада замонавий автомобиль мавжуд. Улар халқимизнинг узоғини яқин, оғирини энгил қилмоқда. Бу мамлакатимизнинг жадал тараққиётидан, халқимиз фаровонлиги муттасил ошиб бораётганидан далолатдир», — дейилади «Мамлакатимиз автосаноати одимлари» сарлавҳали мақолада.

«Аждодларимиз орзуси барҳаёт» номли мақолада Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференция ҳақида сўз боради.

«Сўнгги йилларда фан ва техника мислсиз тараққий этиб, инсоннинг яшаш шарт-шароитларини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бу халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига нанотехнологиялар татбиқ қилина бошлангани билан боғлиқдир. Экспертларнинг фикрича, компьютернинг яратилиши ахборот манипуляциясида қандай инқилоб қилган бўлса, нанотехнологияларнинг

материя билан манипуляцияси ҳам инсоният ҳаётида шундай инқилобни юзага келтиради ва XXI аср фан-техникасига асос бўлади», — дейди «Автомобилсозликда нанотехнологиялар» мақоласи муаллифи, ЎзРФА академиги К.Муқимов ўз мақоласида.

Журналдан, шунингдек, «Жаҳон чемпионати: спортчиларга қулайликлар», «Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси институтларида», «Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотиви», «Болғали тош майдалагичларнинг иш унумдорлигини ошириш», «Оқ йўл, «Orlando!», «Техник фанларни ўқитишда Беруний асарларининг ўрни», «Санъатга айланган матолар», «Ўзбекистонда автомобиль транспортининг шаклланиши», «Абадий двигателлар — беҳуда уринишлар», «Филиппо Жордано Бруно», «Интерфаол услуб самардорлиги», «Автопилотли машина», «Жаҳон автосаноати қалдирғочлари» каби қатор қизиқарли мақолалар ҳам ўрин олган.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

YONDAFTARCHANGIZGA

Кўзгалмай ўтирганда
насибонг топиш маҳол,
Сув ва дон кетидан юр
тегирмон тоши мисол.

Сайидо Насафий